

3-10-2020

LEXICAL AND SEMANTIC ANALYSIS OF SOME PEDAGOGICAL TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE

Obidkhon Mamutovich Husankhujayev

Teacher of the department of Uzbek language and literature of Uzbek language and literature of NamSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Husankhujayev, Obidkhon Mamutovich (2020) "LEXICAL AND SEMANTIC ANALYSIS OF SOME PEDAGOGICAL TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 3 , Article 65.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss3/65>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

LEXICAL AND SEMANTIC ANALYSIS OF SOME PEDAGOGICAL TERMS IN THE UZBEK LANGUAGE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 3 сон

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АЙРИМ ПЕДАГОГИК ТЕРМИНЛАРНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАХЛИЛИ**

Хусанхўжаев Обидхон Мамутович

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси НамДУ

Аннотация: мақолада педагогик ва методик терминлардан аттестация, АКТлар, дарс, дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантириш вазифалари, дарс режаси ва турлари, анъанавий дарс, билимларни текшириш, назорат қилиш, ўзлаштириш каби терминлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: аттестация, АКТлар, дарс, дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантириш вазифалари, дарс режаси ва турлари, анъанавий дарс, билимларни текшириш, назорат қилиш, ўзлаштириш.

**ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ТЕРМИНОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

Хусанхўжаев Обидхон Мамутович

Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы НамГУ

Аннотация: аттестация педагогических и методических терминов в статье, ИКТ, урок, учебные, воспитательные, развивающие задачи урока, план и виды урока, традиционный урок, проверка знаний, контроль, анализ усвоения терминов будет.

Ключевые слова: аттестация, акты, урок, учебное, воспитательное, задачи развития, план и виды уроков, традиционные уроки, проверка знаний, контроль освоение.

**LEXICAL AND SEMANTIC ANALYSIS OF SOME PEDAGOGICAL TERMS IN THE
UZBEK LANGUAGE**

Husankhujayev Obidkhon Mamutovich

Teacher of the department of Uzbek language and literature of Uzbek language and literature of NamSU

Abstract: attestation from pedagogical and methodical terms in the article, Screw Pike Acts, lesson, educational, Educational of the lesson functions, lesson plan and types, traditional lesson knowledge analysis of skins such as inspection, control, mastering will be done.

Key words: attestation, acts, lesson, Educational of the lesson, development, tasks, lesson plan and types, traditional lesson, examination of knowledge, control, mastering.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўтган вақт мобайнида ва умуминсоний цивилизациянинг инъикоси сифатида жамиятда кечаётган ижтимоий, иқтисодий-маданий ўзгаришлар педагогика ва методика соҳаларида ҳам янги ланишлар рўй беришига [1,7] олиб келдики, эндиликда уларни

ифодаловчи тушунча, ибораларнинг лексик маъноларини билган ҳолда фан асосларини бойитиш талаб этилмоқда.

Бугун нуткимизда **“аттестация”** термини фаол қўлланмоқда.[2,12]

Аттестация (лот.“аттестатио”-гувоҳлик бериш, гувоҳнома, тасдиқнома)— педагог ходимларнинг касбий малакаси, билим даражаси, маҳорати, хулқ-атворини, эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини ўрганиш асосида уларни муайян муддат (одатда беш йил)га ишга тайинлаш, шунингдек, ўқувчи (талаба)ларнинг билим даражасини белгилаш, ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш жараёнини ифодаламоқда.

Одатда, ўқув юрларининг фаолияти ҳар беш йилда бир марта давлат аттестациясидан ўтказилади. Таълим муассасаларининг давлат аттестацияси кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш Бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган “Педагогик кадрлар ва таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ташкил этилади. Аттестация жараёнида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар жамоасининг фаолияти ўрганилади. Давлат аттестацияси натижаларига кўра олий таълим муассасасининг фаолияти давом эттирилади ёки тугатилади.

Бизга маълумки, педагогика соҳаси мавжуд шароитда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими, йўналишлари, ўқув юрларида амалга оширилаётган педагогик жараённи қамраб олади.[4,24]

Биз бугун бу жараённи ахборот-коммуникацион технологияларсиз тасавур эта олмаймиз. Табиийки, “ахборот-коммуникацион технологиялари” термини ҳам фаол педагогик терминлар қаторига кирмоқда.

Ахборот-коммуникацион технологиялар - ижтимоий субъектларнинг қизиқишлари асосида ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс эттириш ва фойдаланишни яхлит ҳолга келтирувчи методлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, дастурий-техник ва лингвистик воситалар мажмуи деган мазмунни ўз ичига қамраб олади. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишда: таълим олувчилар тафаккурини бойитиш ва ривожлантириш; билимларни ўзлаштириш, кўникма-малакаларни ривожлантириш, мустаҳкамлашда билиш фаолиятининг барча турларини такомиллаштириш; яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда ўқув жараёнини индивидуаллаштириш тамойилини амалиётга татбиқ этиш вазифалари ҳал қилинади.

Даврнинг шиддатли тезлиги, ахборотлар алмашинувидаги тезкорлик, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда рўй бераётган кескин ўзгаришлар ўтиладиган дарслар мазмунини ҳам доимий, изчил бойитиб бориш зарурлигини кўрсатмоқдаки, биз ўқитиш методикасида **“Дарс”, “Дарснинг таълимий вазифаси”, “Дарснинг тарбиявий вазифаси”, “Дарснинг ривожлантириш вазифаси”, “Дарс режаси”, “Дарс турлари”, “Анъанавий дарс”, “Билимларни текшириш ва назорат қилиш дарси”, “Билимларни ўзлаштириш”** каби терминларни фаол қўлламоқдамиз.

Дарс-ўқитувчи раҳбарлигида бевосита аниқ мақсад асосида қатъий белгиланган вақт давомида ўқувчи (талаба)лар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнининг асосий шакли. Дарс таълимнинг бошқа шаклларида куйидаги белгиларга кўра фарқланади: ўқувчилар доимий гуруҳининг мавжудлиги; ўқувчилар фаолиятига уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда раҳбарлик қилиш; ўрганилаётган фан асосларини бевосита дарсда эгаллаб олиш (бу белгилари дарснинг фақат мазмунини эмас, балки ўзига хос хусусиятини ҳам акс эттиради). Дарснинг асосий вазифалари таълим бериш; тарбиялаш; ривожлантиришдан иборат.

Дарснинг таълимий вазифаси куйидагилар билан изоҳланади: ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини белгилаш; дарсни ахборотлар билан бойитиш; ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш; дарс мазмунини оптималлаштириш; таълим жараёнига илғор технологияларни жорий этиш; турли шакл, метод ва воситаларидан ўринли фойдаланиш; дарс тузилишига ижодий ёндашиш; таълим беришда ўқитишнинг жамоавий, гуруҳли ва индивидуал шакллари кўллаш; оператив қайта алоқани ўрнатиш; назорат ва бошқарувни ташкил этиш; дарснинг самарали кечишини таъминлаш.

Дарснинг тарбиявий вазифаси куйидагиларда акс этади: ўқув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш; таълимий фаолият жараёнида эришиш зарур бўлган тарбиявий мақсадларни шакллантириш (мақсад қўйиш); ўқув ишларининг мақсади, мазмунидан келиб чиқиб, тарбиявий масалаларни белгилаш; ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш; ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш; ўқувчи ва ўқувчилар жамоасига педагогик талабларни қўйиш; ўқувчи ва ўқувчилар жамоаси билан ҳамкорликка эришиш; ўқувчи ва ўқувчилар жамоасининг ютуқларидан қувониш.

Дарснинг ривожлантириш вазифаси ўқувчиларда мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, фаоллик, лидерлик, ташкилотчилик каби сифатларни тарбиялашда кўринади.

Дарс режаси - дарсни муайян тартибда, белгиланган вақт оралиғида тўла бажарилишига эришиш учун педагогик фаолиятни олдиндан белгилаб олишнинг аниқ ёки тахминий мўлжалли.

Дарс турлари - ўқитувчи раҳбарлигида бевосита аниқ мақсад асосида қатъий белгиланган вақт давомида ўқувчи (талаба)лар гуруҳи билан олиб бориладиган умумий таълим жараёнининг муайян кўринишлари. Замоавий дидактикада дарснинг куйидаги турлари ажратиб кўрсатилган:

- а) аралаш дарслар;
- б) янги маълумотларни бериш дарслари;
- в) билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари;
- г) ўрганилганларни умумлаштириш ва тизимлаштириш дарслари;
- д) кўникма, малакаларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш дарслари;
- е) билимларни текшириш ва таҳлил қилиш дарслари;
- ё) битта асосий дидактик мақсадга эга дарслар.

Анъанавий дарс (ёки классик (мумтоз) дарс) - дастлабки, асрлар давомида такомиллашган, намунавий, таълим жараёни ўқитувчининг етакчилик роли таъминланиб, ўқувчининг паст, суст иштирокига асосланган, унга тайёр билимлар бериладиган, ахборот, билимларни ўзлаштиришда фаол иштироки таъминланмаган дарс. У ўзида асрлар давомида шакланган ўқитиш тамойиллари, шакллари, метод ва воситаларини намоён этади. Бу турдаги дарснинг умумий ғоялари буюк педагог Я.А.Коменскийнинг “синф-дарс” тизимида илк бор тизимлаштирилган ҳолда ёритилган. [3,18]

Анъанавий дарс қуйидаги босқичлар асосида ташкил этилади: 1.Ташкилий жараён.

2.Ўқилган мавзу бўйича уй вазифаларини текшириш.

3.Ўрганилган мавзу юзасидан ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш.

4.Янги билимларни бериш.

5.Ўқувчилар томонидан мавзунинг тушунилганлик даражасини дастлабки аниқлаш.

6.Янги материални ёдга олиш ва намуна асосида машқларни бажариш орқали ўқувчилар ўзлаштиришини ташкил этиш.

7.Ўқувчиларни янги мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни ижодий қўллашлари ва янги билимлаи излашлари учун имконият яратиш.

8.Дарсда ўрганилган материални умумлаштириш ва уни аввал ўзлаштирилган билимлар тизимига киритиш.

9.Ўқувчилар ҳамда ўқитувчи томонидан амалга оширилган ўқув фаолияти натижаларини назорат қилиш ва ўқувчилар фаолиятини баҳолаш.

10.Уйга вазифа бериш.

11.Дарснинг натижалари бўйича хулоса чиқариш.

Бугунги кунга қадар анъанавий дарс бир неча шаклларда ташкил этиб келинмоқда. Улар: янги материалларни ўзлаштириш дарси; билимларни мустаҳкамлаш дарси; кўникма ва малакаларни шакллантириш

Билимларни текшириш ва назорат қилиш дарси - ўқувчилар томонидан ўрганилган мавзулар бўйича назарий билим, амалий кўникма, малакаларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш, унинг негизида педагогик фаолият истиқболини белгилаш мақсадида ташкил этиладиган дарс. Билимларни текшириш ва назорат қилиш дарслари ўқитувчига ўқувчиларда маълум соҳадаги билим, кўникма, малакаларининг шакланганлик даражаси, ўқув материални ўрганишдаги камчиликларни аниқлаш, навбатдаги топшириқларнинг бажариш йўлларини белгилаб олишга ёрдам беради. Бу турдаги дарс қуйидаги таркибий тузилма асосида ташкил этилади:

1) дарс вазифаларини белгилаш;

2) назорат ишлари (вазифалар, мисоллар ёки савол- жавоблар) мазмунини баён қилиш;

3) дарсни яқунлаш;

4) билим, кўникмаларни намоёиш этишдаги типик хатолар, уларни бартараф этиш, мавжуд билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш йўлларини аниқлаш.

Билимларни ўзлаштириш - ўқувчиларнинг муайян фан асослари бўйича берилаётган назарий маълумотларни тўла қабул қилиш, мустаҳкамлаш, улар негизида амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш йўлидаги хатти-ҳаракати, фаолияти. [5,98] Билимларни ўзлаштириш жараёни қуйидаги босқичларда кечади:

- 1) олинаётган маълумотларни идрок этиш;
- 2) олинган маълумотлар мазмунини англаб етиш (тушуниш);
- 3) ўзлаштирилган маълумотларни ёдда сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- 4) мавжуд билимларни амалиётда қўллаш.

Хулоса қилиб айтганда, билим олиш шахснинг борлиқни идрок этиши, ўрганиши, машқ қилиши ва муайян тажриба асосида хулқ-атвор, фаолият кўникма, малакаларини мустаҳкамлаши, мавжуд билимларини такомиллаштириб, бойитиб боришини ифодаловчи жараён ҳисобланар экан, илмий билимларни тушунарлилик, аниқлик, ишончлилик, илмийлик, мукамаллик, тизимлилик тамойиллари асосида ўрганишда қўлланиладиган педагогик терминларнинг мазмун-моҳиятини кенг ва атрофлича ўрганиш муҳим ўрин тутди.

References:

1. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. -Тошкент: Фан ва технологиялар. 2009.
2. Педагогика (Бакалаврият йўналиши учун дарслик. Проф. М.Х.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида.-Тошкент:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
3. Ҳасанбоев Ж. Педагогика фанидан изоҳли луғат.-Тошкент: Фан ва технологиялар.2009.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.12-жилдли.-Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2006-йиллар.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5 жилдли. А.Мадвалиев ва б. таҳрири остида)-Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006-2008-йиллар.

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	Гелийсимон атомларнинг тўла энергиясини “ғалаёнланиш методи” ёрдамида ҳисоблаш. Тохиржонов М, Махмудов А, Мамажонов Н, Сайдалиев Э, Иноятов Ш.....	3
2	Differential games of the second order with integral constraints Samatov B.T, Inomididinov S.N, Umaraliev N.T, Uralova S.I.....	8
3	On weakly periodic ground states for the sos model Абраев Б.....	14
4	Асимптотические свойства полупараметрических оценок от квантильных функции в модели случайного цензурирования с двух сторон Холмурадов Ф.М.....	21
5	Приближённое решение нелинейных систем уравнений в математических пакетах Имомов А.....	28
6	Изучения методов регистрации радиоактивных излучений и частиц в курсе физики в средних школах Якубова Ш.Қ, Юлдашева Ш.А, Тошқўзиев Р.А.....	33
7	Решение задачи распределения управляемых ресурсов сил с помощью квадратичного закона ланчестера при конфликтных ситуациях Каримов Н.М	38
8	Модификация ланган сименс-расмуссен тенгламаси ёрдамида оғир ионларнинг марказий тўқнашувларида пайдо бўладиган адронларнинг инвариант p_t -спектрининг таҳлили. Олимов Х.К, Канокова Ш.З.....	47
9	Magnitlangan kristallarda magnitoptik faradey effekti Jurayeva N.I.....	50
10	Оценивание плотности вероятности с использованием ортонормированных функций Абдушукуров А.А, Абдулвохидов А.Л	54
11	Спектральная задача для уравнения четвертого порядка Жамалов Б.И	59
12	Об одном классе обыкновенных дифференциальных уравнений четвертого порядка в полных дифференциалах. ii. Турсунова Э.Ғ, Икрамова Н.С.....	62
13	Qattiq disklar modeli uchun davriy gibbs o'lchovlari Umirzaqova K.O, O'ktamaliyev I.Q	68
14	Каррала характеристикага эга бўлган бешинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун чегаравий масала Юлбарсов Х.А.....	74
15	Талабчан олим ва мураббий Расулов Худойберди Сотиволдиевични хотирлаб ...(1960-2020)	78
16	Определение скалярного параметра гирации и ориентации оптической оси в оптически активных кристаллах Улуханов И.Т	81

17	Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш Рахимов М. С, Эшболтаев И. М, Абдулазизов Б.Т.....	84
	КИМЁ ФАНЛАРИ	
	02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	CHEMICAL SCIENCES	
18	Изучение синтеза этаноламинов из оксида этилена и аммиака Эшмуратов Б.Б, Джалилов А.Т, Каримов М.У	90
19	Mahalliy xom-ashyolar asosida yangi samarali polimer membranalar sintezi Eshkurbonova F.B, Turaev X.X, Xolmurodova SA, Toirova G X, Eshkurbonova M.B.....	96
20	Маҳаллий хомашёлар асосида металл тутган олигомер антипирен синтез қилиш ва хоссаларини ўрганиш Нуркулов Э.Н, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	100
21	Влияние модифицированных минеральных добавок на прочностные свойства цементов Пиримов Т.Ж, Мухамедбаева М.А, Мухамедбаев А.А, Намазов Ш С Сейтназаров А.Р.....	103
22	Разработка и валидация спектрофотометрической методики анализа фрамицетина сульфата в лекарственном средстве Сманова З.А, Гаппаров Д.Д, Исакулов Ф.Б.....	110
23	Физико-химические исследования процесса получения оксида магния на основе переработки смешанных солей озера караумбет Тожиев Р.Р, Мирзакулов Х.Ч.....	119
24	Мис фталоцианин пигменти синтези ва унинг иқ-спектерининг таҳлилини ўрганиш. Файзиев Ж.Б, Бекназаров Ҳ.С, Джалилов А.Т.....	125
25	Кўп босқичли роторли диски курилмада якуний дистиляциялаш жараёнини математик моделлаштириш Ҳамдамов А.М, Игамбердиева Д А	129
26	Изменение фазового распределения содержания токсичных металлов в речных водах в зависимости от гидрологического режима Тиллаев Х.Р, Тураев Х.Х, Эшкурбонов Ф.Б.....	135
	БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ	
	BIOLOGICAL SCIENCES	
27	Влияние ультрафиолетовых лучей и электромагнитного излучения на рост, развитие и продуктивность сортов сои Сафаров К.С., Солиева Д.В., Сафаров А.К., Шадманов Р.К.....	140
28	Фарғона адир ҳудудидаги иссиқхона шароитида ўсимликларнинг илдиз бўртма нематодалари билан зарарланишини ўрганиш Тўхтасинов Ф.Р, Жуманиёзова Д.К, Мирзалиева Г.Р, Эшова Х.С.....	148
29	Samarqand viloyati yopiq suv havzalari baliqlarning tabiiy ozuqa manbalari	154

	Ashrapov A.A, Rasaxanova Y.Z, Toshpo`latov Y.Sh.....	
30	<i>Scutellaria comosa</i> juz. (<i>lamiaceae</i>) турининг ўзбекистон ботаник-географик районларда тарқалиши Акбарова М, Х, Батошов А.Р, Пулатов С О, Хошимов Х.Р, Юсупова З.А, Набижонова Г.Ф, Собитов О.Т.....	159
31	Ковул (<i>sarparis spinosa</i> l) муҳим серасал ўсимлик Ҳамидов Ғ.Ҳ, Холиқулов М.Р.....	166
32	Помидор етиштиришда минерал ўғитлар меъери ва унга қўйилган талаблар Нормуратов О.У, Зокиров Х.Х Қурбонов Ф.Ч	170
33	Онтогенезда органлардан митохондрияларни ажратиб олиш ва улардаги физиологик-биокимёвий ўзгаришларни аниқлаш методлари Мирзаолимов М.М., Мирзаолимов Э.И., Абдуллаев Ғ.Р, Ахмеров Р.Н., Мухтаров А.А., Абдуллаев Ш.С., Фуломов И.А.....	175
34	Термиз шароитида ўстириляётган элма заъфарон (<i>crocus sativus</i> l.) нинг айрим биоэкологик хусусиятлари Джумаев Х.Қ, Назаралиева М.П, Халмуратов М.А.....	180
35	Фарғона водийси тош-шағалли оч тусли бўз тупроқлари шароитида <i>sarparis spinosa</i> l. нинг ценопопуляцияси ва биогеохимёвий хусусиятлари Исағалиев М, Махмудов В, Обидов М.....	184
36	Первая находка <i>helix buchi</i> в центральной азии Пазилов А, Махмуджонов З М, Умаров Ф.У.....	192
37	Доривор маврак (<i>salvia officinalis</i> l.) уруғқўчатларининг хом-ашёси ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири Улуғова С.Ф, Рузметов У И, Хаитов Ж.Т.....	197
38	Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида учровчи парранда гельминтлари Тангиров Х.Т, Файзиева Д.Б.....	201
39	Фарғона водийси чўл минтақаси қуруқлик моллюскаларининг тарқалиши ва популяциядаги зичлиги Эгамбердиев М.Х.....	206
40	О'zbekiston sharoitida ovulyatsiya qilingan karp tuxumlari o`lchamlarining xilma-xilligi Ergashev X.B, Ashrapov A A, Kamilov B.G.....	211
41	Қашқадарё вилоятининг айрим сув ҳавзаларидаги микросувўтлар Қўзибоев Х.Н, Шерқулова Ж.П, Холмурадова Т.Н, Шукуров О. Н, Мамашбаева Ш. Р.....	214
42	Минерал ўғитлар меъёрларини тупроқдаги азот динамикасига таъсири. Судаймоно И.Ж. , Жўраев А.А.....	219

TECHNICAL SCIENCES

43	Image processing and identification of objects in vision systems Khayrullaev A.....	226
44	Front page dasturi - web-sahifa va e-darslik yaratuvchi dastur. Yunusova G,N.....	230
45	Современные глобальные экологические проблемы. Умаров К.М, Ахмаджонов А.У.....	233

08.00.00

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ
ECONOMIC SCIENCES**

46	Мева ва сабзавотчиликда агрокластерларни ташкил этиш самарадорлиги Тажибаев К.....	239
47	Қишлоқ хўжалиги кичик бизнес субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш Сирожиддинов К Тажибаев,К	243

09.00.00

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИКНЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

48	Бадоиъ-ус саноиъ” да илм масалалари ёритилиши Чубоева О.....	249
49	Ўзбекистоннинг марказий осие давлатлари билан таълим соҳасидаги ўзаро алоқалари Қамбаров А.....	254
50	Ёшларда ижтимоий фаолликни оширишнинг назарий асослари Холмирзаев Н.Н.....	261
51	Инновацион маданий алоқалар ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили Иминов Б.Б.....	264
52	Оила мустақамлигини сақлашда илм ва ахлоқ масаласи уйғунлиги Миракбарова Д.М.....	270
53	Оммавий ахборот воситалари ва инновацион тафаккур (Ижтимоий таҳлил) Турсунова Ш.Б.....	275
54	Человечество и толерантность как духовный единства жизни молодеж Юлдашев Ф.А.....	279

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

55	Типология комедийного мирообраза в творчестве н.в. гоголя Чжэн Е.В, Султанова Д.Т.....	286
56	Vuxoro tuman toponimiyasining lisoniy-etimologik tasnifi Adizova N.B.....	291

57	Таржимада радиф санъати қайта яратиш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э	294
58	Неъмат Аминов ижодида ўзбек ҳажвчилиги анъаналари Ризаев Б.Х	299
59	Лингвокультурологическое содержание паремиологических единиц в русском и английском языках Саидова М.Ш.....	306
60	Boysun shevasi leksikasida fitonimlar yuzasidan qisqacha qaydlar Xolova M.A.....	311
61	Научно-теоретические основы использования дидактических игр и занимательных упражнений в общеобразовательной средней школе Буранова Н.Ш	319
62	Билишнинг метафорик ҳамда эмпирик усуллари ҳақида Махмараимова Ш.Т.....	322
63	Nemis va o'zbek tillaridagi hayvon nomlari bilan bog'liq frazeologik birliklar tahlili Ubaydullayev Sh.N, Abdug'aniyev F.F.....	328
64	Немис ва ўзбек тилларидаги рангларни ифодалаган фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили Мансурова К.Х, Эргашев Я	332
65	Ўзбек тилидаги айрим педагогик терминларнинг лексик-семантик таҳлили Хусанхўжаев О.М	336
66	Развитие навыка употребления фразеологизмов в речи учащихся Мамадалиева С.Ш.....	340
67	Ёзма нутқни ривожлантиришда акт ўрни Собирова М.Ю.....	346
68	Инглиз тили лексикасини ўқитишда ўқувчилар тил тажрибасини ҳисобга олиш тамойили Ботирова З.Х	352
69	Бадий насрда метафора Умурқулов Б	355
70	Синонимларнинг лингвопоэтик имкониятлари Шукуров А.А.....	361
71	Как живёт русский язык в социальных сетях, словарь компьютерных слов при общении современной молодёжи. Дедаханова М.М.....	367
72	Termin va uning o'ziga xos lisoniy xususiyatlari Ashurov B.Sh.....	376
73	Ўзбек тилида касб-хунар номларининг аффиксал деривацияси Муҳаммадалиева М.....	380
74	“Алпомиш” достонидаги этнонимларнинг этнолингвистик ва лингвокультурологик таҳлили Юнусова Б.....	387
75	Ижодкор ва санъаткор ўзбек аёллари тахаллусларининг лисоний таҳлили	

Низомова.Ш	394
76 Ўзбек тили тилшунослик атамалари тизимида метафора ва унинг амали ҳақида Эрматов И.Р	398
77 Ўзбек тилида дейксис функционал-семантик майдони талқини Давлатова Р.Ҳ	405
78 Ўзбек тилшунослигида тиббий терминологиянинг тараққиёт тенденциялари Қосимова Ф.Х	410
79 Лексиқада абстрактлашиш принциплари Ҳакимова М.К	415

13.00.00

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES**

80 Талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантиришда интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш Қамбаров М.М.	422
81 It- технологиялари ёрдамида академик лицейининг ўзбек гуруҳларида рус тилида орфографик компетенцияни шакллантириш методикаси Абдуллаева С	427
82 Бошланғич синф она тили дарсларида алгоритмик машқлар орқали ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усуллари Тўрабоева М	433
83 Педагогическое наследие и вклад мыслителей востока и центральной азии в развитии творческой способности личности Мухитдинова Ж.Р, Хайитмирзаева М.М	437
84 Yosh til o'rganuvchilarga xorijiy til o'rgatishdagi ayrim masalalar Abdullayeva N.	441
85 Milliy musiqa terminlarning leksikografik tahlili Arifova G.T.	445
86 Ўрта умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларда инглиз тили талаффузини ўргатиш хусусиятлари Ermirzayev A.V.	450
87 Педагогнинг креативлик потенциали –таълим-тарбия сифатини таъминлаш омили Рахмонова Д.С	454
88 Электрон таълим ресурсларининг педагогик имкониятларидан самарали фойдаланиш Давронова Ш.Ф	457
89 Chizmachilik darslarining dolzarbligi Jumanazarova G, Ergshev.X	465
90 O'zbekiston yoshlari ongini mafkuraviy taxdidlardan himoya qilishda pedagogika fanining ahamiyati Husaynov M, Abdug'apponova L	470

91	Недостаток жира и его влияние на организм человека Муллабаева М.С, Азимова.Г.К	474
92	Бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашда мультимедиа технологияси ва воситаларнинг ўрни ва имкониятлари Ҳамидов О.А	480
93	Бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш ва матнни тушуниш кўникмаларини ривожлантириш тизими Асқарова М.А	486
94	О`smirlarni o`zlikni anglash va o`z-o`zini boshqarishga o`rgatishning pedagogik omillari Bekmuratova D, Bekmuratova N	490
95	Оила ва мактаб ҳамкорлигини таъминлашнинг интегратив модели Иноқов Қ.Қ.....	497
96	Алгоритмлар назарияси фанини дастурий -методик мажмуа воситасида ўқитиш Нормуродов Ч.Б, Бабаходжаева Н.....	504
97	Постмодернизм таълимотида моде \ рн инсоннинг айрим жиҳатлари Олимова М	511
98	Таълимнинг узвийлиги ва уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари Аширбоев С	517
99	Корейс тилининг иккинчи чет тили сифатидаги аҳамияти: наманган давлат университети тажрибаси мисолида Лутфуллаев П.М	522

19.00.00

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PSYCHOLOGICAL SCIENCES**

100	Iqtidorli o'quvchilarni tanlashning psixologik usullari Ma'murova F.T, Abdullayeva N.X.....	527
-----	--	-----